



«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудс-мани) тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.



Президентимиз «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорни им-золади.
Зулфия номидаги Дав-лат мукофоти билан тақ-дирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўткази-ладиган байрам тантани-лариди совриндорлик дипло-ми ва кўкрак нишони топширилади. Шунингдек, базавий ҳисоблаш микдо-рининг 50 баравари (17 млн. сўм) микдориди пул мукофоти берилади.



Давлатимиз раҳбари-нинг «2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тай-ёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қар-ори қабул қилинди.
Қарорда бу йилги бай-рам мамлакатимизда «Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!» деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўта-ринки руҳ ва юқори дара-жада кенг нишонланиши белгилаб қўйилган.



Ўзбекистон Республи-каси ташқи ишлар вазири Бахтиёр Сайдов Куба эл-чиси этиб тайинланган (қароргоҳи Боку шаҳрида) Карлос Валдес де ла Кон-сепсьонни қабул қилди.



Лос-Анжелес округи ко-тибининг таклифига асо-сан Ўзбекистон МСҚ раиси Зайниддин Низомхўжаев бошчилигидаги делегация АКШ президентлик прай-меризларига тайёргарлик кўриш жараёни билан та-нишиш ва унда овоз бе-ришни кузатиш мақсадида АКШнинг Калифорния штатида бўлиб турибди.



Қатарда бўлиб ўтган дунёнинг энг истиқболли стартаплар танловида Ўзбекистоннинг «IMAN» стартапи топ 3 таликка кирди.
IT-Парк резиденти бўл-ган «IMAN» стартапи тан-ловнинг барча bosқичла-ридан финалгача ўтиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.
«IMAN» халол финтех йўналишидаги стартап бў-либ, у шариятга мувофиқ исломий молия операция-лари асосида фаолият олиб боради.

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

Ishonch

• Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Хар бир мурожаат ортида ИНСОН ДАРДИ БОР...

3-саҳифада ўқинг

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Қозоғистон «Қызмет» давлат, банк муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди.



Дастлаб меҳмонлар «Ғалаба боғи»да «Матонат мадҳияси» ёд-горлик мажмуаси пойига гулчам-бар қўйишди. «Янги Ўзбекистон» боғида бўлиб, меъморий ечими ҳамда композицияси мазмун-моҳи-яти ва хусусиятлари билан тани-шишди. Ватанимизнинг уч минг йиллик тарихида юз берган энг муҳим воқеаларни ўзида ифода эт-ган ушбу мажмуа уларда катта та-ассурот қолдирди.

Шундан сўнг делегация ва-киллари Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси фаол-лари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат му-ассасалари ва жамоат хизмати хо-димлари касаба уюшмаси Респуб-лика кенгаши раиси Анваржон Абдумухторов меҳмонларга 14 та ҳудудий кенгаш, 2 минг 800 тага яқин бошланғич ташкилотларда 440 минг нафардан ортиқ аъзо-ларни бирлаштирган тармоқ ходим-лари касаба уюшмаси фаолияти, инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ти-зимли янгиланиш ва ислохотлар ҳамда уларнинг натижалари тўғри-сида батафсил сўзлаб берди.

Таъкидланганидек, икки мам-лакат касаба уюшмалари томони-дан меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, му-носиб меҳнат шароитларини яра-тиш каби йўналишларда давлат ва иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорликда тизимли ишлар олиб бориляпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов бошчилигида касаба уюшмалари тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.



Натижада 2017 йилда тизимда 19 та санаторий ва дам олиш уйи фао-лият кўрсатган, уларда салкам 5 мингта ўрин мавжуд бўлган бўлса, ўтган фурсат ичида 12 та янги за-монавий санаторий қурилиб, фой-даланишга топширилди. Улар сони 31 тага, ўринлар сони эса салкам 8 мингтага етди.

Ўз навбатида, Қозоғистон «Қызмет» давлат, банк муасса-салари ва жамоат хизмати хо-димлари касаба уюшмаси раиси Мирболат Жақыпов ривожла-ниш истиқболлари, соҳада ўзаро тажриба алмашиш борасидаги фикрларини баён этди.

Учрашувда Ўзбекистон дав-лат муассасалари ва жамоат хиз-мати ходимлари касаба уюш-маси Республика кенгаши ҳамда Қозоғистон «Қызмет» давлат, банк муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси ўрта-сида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзо-ланди.

Хужжатда ўзаро тенглик ва ҳурмат принциплари асосида ка-саба уюшмалари аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини му-носиб ҳимоя қилиш борасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳам-корлигининг асосий йўналиши экани қайд этилди.

Ташрифнинг иккинчи куниди делегация аъзолари Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, кўхна ва навқирон шаҳарнинг диққатга сазовор масканларига саёҳат қи-лишди.

Қозоғистон «Қызмет» давлат, банк муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюш-маси делегациясининг Ўзбекис-тонга ташрифи давомида келгуси йилда ҳам ўзаро тажриба алма-шиш, қўшма форум ва фестивал-лар, спартакиадаларни ўтказишга келишиб олинди.

Салим АБДУРАХМОНОВ
«ISHONCH»

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



Хоразм ҳайратини

Хушхабар хуш ёқар бори элларга,
Шодлик шалоладек қирар дилларга.
Шеър, қўшиқ ярашар айтсанг тилларга,
Хоразм ҳайратини сўйлагим келди,
Қорақалпоқ қадрини қўйлагим келди.

Қутсанг, қўқдан тушмас асло чалпақ ҳам,
Йўқ ердан тўқилмас ҳатто эртақ ҳам...
Керак улуг ишни кўра билмак ҳам,
Халқим, утмишингни ўйлагим келди,
Ва лек бугунингни қўйлагим келди.

Эрки йўқ, бахтга зор эл эдинг кеча,
Ачинган, қулганлар эдилар неча,
Дўппинг тизга қўйиб, фикрла пича,
Шонингни жонимга бойлагим келди,
Аслида оринини қўйлагим келди.

Кўзни катта очиб тегрангга боққин,
Қуш бўлиб юртимда қанотинг қоққин,
Эй ғаним, инсофинг чироян ёққин,
Гумондор касларни қўйлагим келди,
Қўйлашим шартлигин қўйлагим келди.

Қайлардадир уруш... қиргин, қатагон,
Минг йиллик кўприклар бўлмақда вайрон,
Не тонг, бизнинг юртда дўстлик ҳукмрон,
Кўзимга қуёшни жойлагим келди,
Тинчлик шукронасин қўйлагим келди.

Бир кўприк мингтадан битмаси асли,
Келди Хоразмнинг энг гуллаш фасли...
«Лазги»га ўйнаса ярашар насли,
Шу кўприк тўйида тўйлагим келди,
Ҳам қорақалпоқча қўйлагим келди.

Бойсундан Мўйноққа қадар кўрсинлар,
Кўзлари тинсалар, тийрак юрсинлар,
Жайхун шамолидан шифо сўрсинлар,
Миллатим мардларин сийлагим келди,
Давлатим қудратин қўйлагим келди.

Сарбонки, элларни бирлаштираман, дер,
Дилларга дилларни бирлаштираман, дер,
Йўлларга йўлларни бирлаштираман, дер,
Мен-да ўзимни сал қўйнагим келди,
Юракни ёндириб қўйлагим келди.

Кўксин кўприк қилиб тутиб турганда,
Олам шул кўприкдан ўтиб турганда,
Ўзбекнинг қадрига етиб турганда,
Ўзбекистон бўлиб бўйлагим келди,
Садоқат созида қўйлагим келди!

Ташриф



Жиззах
вилояти

Жамоа шартномаси муҳокамада

ШАРТЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?

Жиззах шаҳридаги 29-умумтаълим мактаби маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2023–2025 йилларга тузилган жамоа шартномаси бандларининг 2023 йилда бажарилиши муҳокамасига бағишланган умумий йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда жамоа шартномасида белгиланган иш берувчи мажбуриятларининг бажарилиши ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар юзасидан мактаб директори Г.Абдуллаева ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси Р.Иномованинг ахборотлари тингланди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи комиссия далолатномаси билан таништирилди.

Жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан қизғин муҳокамалар бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар далолатноманинг мукамал тайёрлангани, бажарилмаган бандлар тўлиқ кўрсатилганга эътибор қаратишди.

Муҳокамалар давомида жамоа шартномасини бажаришда касаба уюшма кўмитаси ва маъмурият йўл қўйган камчиликлар танқид қилинди. Жамоа шартномасига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар билдирилди. Жумладан, жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини текшириб бориш комиссиясига келгусида молиявий интизом ва харажатлар сметаси назоратини кучайтириш вазифалари топширилди.

Муҳокамалар якунида жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши «қоникарли» деб баҳоланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Қашиқдарё
вилояти



2020 йилда Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округида касаба уюшма кўмитаси тузилган. Утган вақт мобайнида кўмита иш берувчи билан шерикликда ишчи-хизматчиларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда қатор ишларни амалга оширди.



ХОДИМЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Бу жараёнда 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси дастуриламал вазифасини бажаряпти. Яқинда жамоа шартномаси бандларининг 2023 йилда бажарилиши муҳокамасида бу яна бир бор таъкидланди.

Бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Фаррух Қудратовнинг ҳисоботида таъкидландики, жамоа шартномасига аёллар ва ёшлар учун имтиёзлар қўзда тутилган алоҳида бўлимлар, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида жамоа шартномасида қўзда тутилган имтиёзларга кўра, ҳар бир ходимга 3 кундан 12 кунгача бўлган мудатдан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллار берилди. 33 нафар қуrolли кучлар хизматчисига иш берувчи ҳисобидан ўртача 4-5 миллион сўмдан моддий ёрдам ажратилди. 5 нафар қуrolли кучлар хизматчисига тунги ишларда ва кечки сменаларда ишлагани учун 7 300 000 сўмдан устама ва қўшимча тўловлар берилди. Ҳарбий округ касаба уюшма кўмитасининг илтимосномасига кўра, 41 нафар ишчи-хизматчига Касаба уюшмалари куни муносабати билан мукофот пуллари тақдим этилди.

Сўзга чиққанлар жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини қоникарли деб топишди. Шунингдек, янги тузилаётган локал ҳужжат лойиҳасини иш берувчи вакиллари томонидан кўриб чиқилганидан сўнг барча таркибий бўлимларда муҳокама қилишга ва уларни ходимлар бераётган таклифлар билан янада мукамаллаштиришга келишиб олинди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

2

DAVR

Ovozingni ko'tarma, so'zingni yuksaltir – yaproqlarni yomg'irlar o'stiradi, gumburlagan momoqaldiroqlar emas.

Jaloliddin Rumiy

2024-YIL 5-MART,
SESHANBA
№ 30 (4938)

Бухоро вилояти Жараён



БАРЧАМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

«Президентимиз олдимизга қўйган масалага қандай ечим топаман, ўзимнинг қандай улушимни қўшиб, ишни енгиллатаман? Нималар қилсам, фаолиятимда самарадорликка эришаман? Мана шу саволлар бизни ҳамиша ўйлантириб туриши керак...».

Бухоро вилоятини хотин-қизлар жиноятчилигидан холи ҳудудга айлантириш штаби раҳбари Маҳмуд Бобоев Федерациянинг Бухоро вилояти кенгашида бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузасини ушбу сўзлар билан бошлади.

Вилоятни хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича Бухорода шу кунга қадар қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоят касаба уюшмалари кенгашида фаолият бошлаган штаб ва ишчи гуруҳлари томонидан жиноятчиликлар доимий равишда таҳлил қилиб борилмоқда. Худуддаги жиноят содир этган ва жиноятчиликка мойил бўлган 3 минг 641 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаш, касбга ўқитиш, субсидия асосида асбоб-ускуналар сотиб олиб бериш, уларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, «Ижтимоий ҳимоя ағона реестри» асосида моддий ёрдам ва нафақа ажратиш, уй-жойни таъмирлаш, алимент тўловларини ундириб бериш, тиббий, психологик, ҳуқуқий жиҳатдан манзилли амалий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг фарзандлари олий ўқув юртлирида ўқиши учун контракт тўловларини тўлаш билан боғлиқ 5 минг 782 та муаммони ҳал қилиш белгиланган. Масъул ижрочиларга му-

аммолари ҳал этилиши ва амалий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган хотин-қизлар рўйхати тақдим этилган. Утган йилнинг 1 октябридан хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари бошланиб, масъул ташкилотлар томонидан дастур ижроси бўйича ҳар 10 кунда вилоят штабига ахборот тақдим қилиб борилиши йўлга қўйилган.

Бугунги кунга қадар дастурга кирган аёлларнинг 2843 нафарига ёки 49,2 фоизига амалий ёрдам кўрсатилган. Дастур доирасида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларга моддий ёрдам, нафақа ажратиш, касб-ҳунарга ўқитиш, алимент тўловларини ундириш, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Йиғилишда бу каби сазъ-ҳаракатлар етарли натижа бермаётгани, мутасаддилар масъулиятни чуқур ҳис этмаётгани қаттиқ танқид остига олинди.

– Жиноятчиликка қарши курашиш ички ишлар, прокуратура каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли деб, бошқалар қўл қовуштириб ўтириши мумкин эмас, – деди М.Бобоев. – Бу ишга барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз лозим.

Дилдора
ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Қорақалпоғистон Республикаси



КАСАБАҚҲМ ЖАМОАГА НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК

Рашид Алланиязов 1981 йилда фуқаро авиацияси Славянск авиация-техника билим юртини тамомлаб, Нукус халқаро аэропортида иш бошлаганида қалби орзуларга тўла 21 яшар навқирон йигит эди. У 43 йилдан бери парвозларни ёритишга хизмат қилиб келмоқда. Бошқачароқ айтганда, у – Нукус аэропортида самолётларнинг қўниши ва учшининг ақуний босқичини таъминлаш, шунингдек, аэродромда самолёт ҳаракатини тартибга солишга масъул.

касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўлаб шартлар ифодаланган.

– Масалан, тўй қилаётган ходимларга иш ҳақи сақланган 3 кунлик таътил, фарзанди 1 синфга борганда 1 кунлик таътил, фарзандлари 3 ёшгача бўлган аёлларга боласини овқатлантириш учун танаффус шулар жумласидандир, – дейди касабақўм. – Бундан ташқари, тиббий кўриклардан ўтишда ходимлар чикимдор бўлишмайди. Спорт тўғрақларига қатнайдиганларга машғулотлар учун маблаг қўлаб берилади. Театрларга чипталар олиб берамиз. Олий ўқув юртида тахсил олаётганларнинг шартнома пулларини тўлашга кўмаклашамиз. Қўшимча ишланганлик учун ҳақ тўланади. Қўлаб ходимларга иш стажига қараб қўшимча таътиллари белгиланган.

Утган йили 15 нафар ходим касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда имтиёзли равишда ўз соғлигини тиклади. 30 нафар ходимнинг фарзанди эса оромгоҳда дам олди. 29 нафар ходимга касаба уюшмалари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Диккатга сазовор жойларга саёхатлар уюштирилди. Асосийси, аэропорт ходимларига ўз меҳнатларидан рози бўлиши учун барча шароитлар яратилган.

Рашид ака ҳамкасбларига ҳар жабҳада ўрнатқ бўлишга интилади. Маърифат соатларида янги ўқиган китоблари ҳақида гапириб бериб, уларни китобхонликка ундайди.

Унинг спорт соҳасида эришган ютуқларига ҳамкасблари ҳавас қилишади. 2021 йилда шотакан-каратэ бўйича Туркияда бўлиб ўтган фахрийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди. 2022 йилда Қирғизистонда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида иккинчи ўринни олди. 2023

Тошкент
вилояти

АЪЗОЛАР САФИ КЎПАЙМОҚДА

Касаба уюшмаларига аъзо бўлмаган корхона ва ташкилотларни аъзоликка жалб этиш, уларни тизимнинг афзалликларидан бохабар қилиш мақсадида касаба масъуллари ҳудудларда учрашувлар ўтказмоқда.



Қизиқарли ўтаётган мулоқотларда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Байниязов ва Тошкент вилояти кенгаши вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Масъуллар корхоналарда раҳбар ва ишчи-ҳодимлар билан учрашиб, уларга тизимнинг аҳамия-

ти, ишчи-ҳодимлар саломатлигига ҳафф солувчи унсурларнинг олдини олиш, ишхонада соғлом муҳитни яратиш ҳамда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисида тушунчалар беришмоқда.

– Ходимнинг саломатлиги унинг иш умудорлигига таъсир қилади, – дейди Агросаноат мажмуи хо-

Тадбирда акциядорлик жамияти бошқарув раиси Хотам Сайдахмедов ва касаба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Абдуллаев йил давомида ижтимоий шериклик асосида ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот бердилар.

«Махам-Чирчиқ» Ўзбекистон кимё саноатининг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. 85 йилдирки, жамият минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Корхонада 5 882 нафардан зиёд ишчи-ҳодим фаолият олиб боради. Барча сех ва бўлимлар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш бошқарув бўлиmlари автоматлаштирилгани билан ажралиб туради. Энг муҳим жиҳат, бу махсу-

лотлар, барча ҳамдўстлик ва хориж мамлакатларига экспорт қилинаётганидадир.

Касаба уюшмасида ишлар намунали ташкил этилган. Буни тармоқ кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўтказилган таълиқларда юқори ўринларни қўлга киритаётганида ҳам кўриш мумкин.

Корхона жамоа шартномаси ҳар йили янги бўлим ва бандлар билан

тўлдириб келинмоқда. Муҳими, киритилган янгиликлар туфайли ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси таъминланмоқда.

Ушбу жамоа шартномасининг боййитилиши натижасида ёш, кам таъминланган ва кўп болали, ногирон фарзандини тарбиялаётган оилаларга мақсадли ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Кези келганда, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари санаторий-профилакторийларда, дам олиш масканларида, болалар эса соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштирилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йиғилиш давомида ушбу ишлар эътироф этилиб, иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси раиси томонидан ходимлари қизиктирган барча саволларга жавоблар берилди.

Нилуфар МУЗАППАРОВА,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси

Фарғона вилояти



ФАОЛИЯТГА БАҲО БЕРИЛДИ

Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармасида 2023–2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши якунларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан бошқарма бошлиғи М.Маматов ва касаба уюшма кўмитаси раиси Б.Эрматовнинг ҳисоботлари тингланди.

Англашилдики, 1 минг 300 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қиладиган ушбу даргоҳда жамоа шартномасида белгиланган бандларнинг ижроси тўлиқ таъминланган. Шу боис ишчи-ҳодимларнинг қайфияти ҳам, ишга бўлган муносабати ҳам аъло даражада.

Рақамларга қарайдиган бўлсак, моддий ёрдам учун 354 миллион сўм, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига салкам 17 миллион сўм, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини харид қилиш учун ҳар бир ходимга 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қўллаб спорт мусобақалари уюштирилди. Турли саналар муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Касаба уюшма кўмитаси томонидан аъзоларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида сихаттоҳларга йўланмалар учун 58 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Йиғилишда жамоа шартномасининг ўтган йилги ижроси қоникарли деб баҳоланди ва келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Мухаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Жамшид ЭҒТАШЕВ
«ISHONCH»

Тарғибот

Таҳлил



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига!
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига!

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ДАРДИ БОР...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини «Давлат – инсон учун» деган эзгу ғоя ташкил қилади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида уни ҳаётга татбиқ этиш муддаоси мужассам.

Ўз навбатида, журналистлар бу ислохотларга сидқидилдан ҳисса қўшиб, юзага қалқиб чиққан муаммоларни қаламга олаётгани учун ҳам қатор долзарб масалалар ўз ечимини тояпти. Аммо гу-

руч курмасиз бўлмаганидек, фуқароларнинг муурожаатлари ва танқидий материалларга беътибор бўлаётган мутасаддилар ҳам йўқ эмас.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари 2023 йилда 107 та танқидий материални қўриб чиқиш учун тегишли ҳокимлик, вазирилик ва ташкилотларга юборди. Уларнинг аксари масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз вақтида муносабат билдиришди. Аммо 36 тасига жавоб келмади.

Ҳар бир сатр ортида бир нечта инсоннинг

дарди, ҳасрати ётади. Кимларнингдир эътиборсизлиги сабаб ўзини қийнаётган муаммога ечим топмаган кишининг аҳволини тасаввур этаверинг энди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунларда оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган муурожаатлар тегишли тартибда ва муддатларда қўриб чиқиши қўрсатилган. Шундай экан, му-

урожаатларга беписандлик қилаётган давлат идоралари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар қонун олдида жавоб беришлари лозим эмасми?

Қўйида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг 2023 йилдаги муурожаатларини эътиборсиз қолдирган давлат идоралари ва ташкилотларнинг рўйхатини эълон қиляпмиз. Балки шундан кейин масъуллар қонун олдида жавоб берган ҳолда қўрилган масалаларга ўз муносабатларини билдиришар:

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Муолажа»га муҳтож маскан», 2023 йил 10 январь, 5-сон (1-сонли хат. Юборилган санаси 18.01.2023 й.);

ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

«Фармон ижроси қачон таъминланади?», 2023 йил 10 январь, 5-сон (2-сонли хат. Юборилган санаси 18.01.2023 й.);

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

«Қурувчини ким ҳимоя қилади?», 2023 йил 18 февраль, 23-сон (18-сонли хат. Юборилган санаси 21.02.2023 й.);

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«Осмондаги йўлларни излашни бас қилайлик», «Ойнинг қўринмас томони ҳам бор», 2023 йил 17 январь, 8-сон (19-сонли хат. Юборилган санаси 23.02.2023 й.);

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

«Ҳафталиқ малака ошириш қанчага тушмоқда?», 2023 йил 23 февраль, 25-сон (20-сонли хат. Юборилган санаси 23.02.2023 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Республика ишчи гуруҳининг гапи «ерда» қолди(ми)?», 2023 йил 23 февраль, 25-сон (21-сонли хат. Юборилган санаси 23.02.2023 й.);

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

«Аввалбошда ваъдалар эди қоп-қоп», 2023 йил 15 апрель, 47-сон (35-сонли хат. Юборилган санаси 25.04.2023 й.);

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚЎМИТАСИ

«Ўнқир-чўнқир йўллардан безор бўлдик», 2023 йил 20 апрель, 49-50-сонлар (36-сонли хат. Юборилган санаси 25.04.2023 й.);

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

«Қисқартиришми ёки кенгайтириш?», 2023 йил 25 февраль, 26-сон (38-сонли хат. Юборилган санаси 10.05.2023 й.);

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Ном – номусдир», 2023 йил 4 май, 55-сон (39-сонли хат. Юборилган санаси 10.05.2023 й.);

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Ҳордиқ чиқаргани бориб, чарчаб келишадими?», 2023 йил 20 май, 63-сон (40-сонли хат. Юборилган санаси 24.05.2023 й.);

ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИ

«Пойтахт марказида бир асрлик чинор қўпориб ташланди», 2023 йил 3 июнь, 69-сон (42-сонли хат. Юборилган санаси 12.06.2023 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

«Шифокорларни ёзувчига айлантираётган буйруқ», 2023 йил 20 июнь, 77-сон (49-сонли хат. Юборилган санаси 21.06.2023 й.);

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Хоразмга чавандозлар керак эмасми?», 2023 йил 22 июнь, 78-сон (52-сонли хат. Юборилган санаси 03.07.2023 й.);

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ

«Савдо аҳлини сугурталаш вақти келмадими?», 2023 йил 22 июнь, 78-сон (53-сонли хат. Юборилган санаси 03.07.2023 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Расмиятчилик учун жўнатишган жавоб хати ёхуд Томоша қишлоғидаги «томошалар» қачонгача давом этади?», 2023 йил 24 июнь, 79-сон (55-сонли хат. Юборилган санаси 03.07.2023 й.);

МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

«Фестивалларни ўз маконига қайтарайлик!», 2023 йил 20 июль, 88-сон (63-сонли хат. Юборилган санаси 02.08.2023 й.);

ЯККАБОҒ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

«Симсиз устунлар ва сувсиз қувурлар», 2023 йил 1 август, 98-сон (64-сонли хат. Юборилган санаси 02.08.2023 й.);

ЯНГИЕР ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

«Четлаб ўтилаётган уй», 2023 йил 1 август, 98-сон (65-сонли хат. Юборилган санаси 02.08.2023 й.);

МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

«Муҳташам кошонанинг аянчли аҳволи!..», 2023 йил 1 август, 98-сон (66-сонли хат. Юборилган санаси 04.08.2023 й.);

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ

«Одамлар нега Марказларга эмас, мардикор бозорларига боришяпти?», 2023 йил 3 август, 99-сон (67-сонли хат. Юборилган санаси 04.08.2023 й.);

ИИБ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ

«Масалани телефон қўнғироғи ёки онлайн ариза орқали ҳал қилса бўлмайдими?», 2023 йил 3 август, 99-сон (68-сонли хат. Юборилган санаси 04.08.2023 й.);

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

«Йўқ уйни сотиш мумкинми?», 2023 йил 3 август, 99-сон (69-сонли хат. Юборилган санаси 04.08.2023 й.);

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«Қачон ўзгариш бўлади?», 2023 йил 3 август, 99-сон (72-сонли хат. Юборилган санаси 04.08.2023 й.);

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

«Табибларнинг ўзи малҳамга муҳтож ёхуд Жиззах

шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходимларининг дардини ким эшитади?», 2023 йил 15 август, 103-сон (85-сонли хат. Юборилган санаси 21.08.2023 й.);

АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ

«Медиа омбудсман институти қачон таъсис этилади?», 2023 йил 17 август, 104-сон (79-сонли хат. Юборилган санаси 21.08.2023 й.);

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ

«Сурбет» СМСлар ёхуд рухсатсиз юборилган телефон хабарномалари хусусида», 2023 йил 9 сентябрь, 112-сон (89-сонли хат. Юборилган санаси 19.09.2023 й.);

ДАНҒАРА ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

«Қишлоқ номлари не сабаб ўзгартирилди?», 2023 йил 14 сентябрь, 114-сон (90-сонли хат. Юборилган санаси 19.09.2023 й.);

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИ

«Бекатлар йўловчиларга хизмат қилиши керакми ёки тадбиркорларга?», 2023 йил 14 сентябрь, 114-сон (91-сонли хат. Юборилган санаси 19.09.2023 й.);

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ

«Korzinka» ва бозор нархларида тафовут нима учун бунчалик катта?», 2023 йил 14 сентябрь, 114-сон (92-сонли хат. Юборилган санаси 19.09.2023 й.);

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

«Етмиш йиллик муаммолар бартараф этиладими?», 2023 йил 14 сентябрь, 114-сон (94-сонли хат. Юборилган санаси 19.09.2023 й.);

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«Нондеклик болалар токайгача сарсон-саргардон бўлишадими?», 2023 йил 21 сентябрь, 116-117-сонлар (97-сонли хат. Юборилган санаси 12.10.2023 й.);

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«Усти ялтироқ, ичи қалтироқ», 2023 йил 2 ноябрь, 131-сон (101-сонли хат. Юборилган санаси 03.11.2023 й.);

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирманг, жаноблар», 2023 йил 28 ноябрь, 147-сон (102-сонли хат. Юборилган санаси 05.12.2023 й.);

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Елвизакда касал бўлиб қолмайсизми?», 2023 йил 16 декабрь, 153-сон (106-сонли хат. Юборилган санаси 20.12.2023 й.);

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

«Хуснободликлар токайгача сарсон бўлади?», 2023 йил 21 декабрь, 154-сон (107-сонли хат. Юборилган санаси 28.12.2023 й.);



Кўнзилга сайр

Қалдирғочлар учиб келди

Қўзаб қолди шабадалар елиб-елиб,
Дарахларнинг шоҳларидан қумуш учиб,
Баҳор билиб юрагимни, баҳор билиб,
Қалдирғочлар учиб келди, қайта кўчиб.

Қоялардан жўшиб тушиди, сувлар жўшиб,
Ирмоқ бўлиб, тоғлар ошиб, тошлар ошиб.
Баҳор билиб юрагимни, наҳор билиб,
Қалдирғочлар шошиб келди, қайта шошиб.

Боғчаларнинг гулларида нур ўйнади,
Бўртиб турган қуртакларда дўр ўйнади.
Баҳор билиб юрагимни, маскан билиб,
Қалдирғочлар ҳур ўйнади, ҳур ўйнади.

Лолаларга куйиб бордим, доғ кўргани,
Нолаларин тўйиб бордим, тоғ кўргани.
Баҳор билиб юрагимни, хурсанд билиб,
Қалдирғочлар чоғ кўргани, чоғ кўргани.

Шу тупроқнинг тупроқлари шўр кўринди,
Шўр бўлгани билан тагин кўр кўринди.
Баҳор билиб юрагимни, бедор билиб,
Қалдирғочлар зўр кўринди, зўр кўринди.

Қўзаб қолди шабадалар елиб-елиб,
Дарахларнинг шоҳларидан қумуш учиб,
Баҳор билиб юрагимни, наҳор билиб,
Қалдирғочлар учиб келди, бағрим кўчиб.

Абдулхай НОСИР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

4 Ishonch

KO'ZGU

Hech bir narsa ko'ringani kabi emasdir, bugun senga hayot
bergan suv ertaga seni cho'ktira oladi ham.

Jaloliddin Rumi

2024-YIL 5-MART,
SESHANBA
№ 30 (4938)

Жиззах
вилояти



Ўзбекистон давлат академик драма театри жамоаси томонидан
Жиззахда «Туркистон болалари» спектакли намоиш этилди.

Маълумки, 1922 йилда жадидларнинг
саъй-ҳаракати билан бир гуруҳ туркистон-
лик ёшлар Германиядаги турли ўқув юрт-
ларига ўқишга юборилади. Улар хорижда
таҳсил олиб, Ватан тараққиёти учун хиз-
мат қилишга аҳд қилган ёшлардан эди.
Минг афсуски, юртга қайтганларнинг
бари қатағонга учрайди, отилади.

Юртимиз тарихининг бу машғум сахи-
фалари ҳақида тарихий, бадиий асарлар
ёзилмоқда. Ёш ёзувчи Жавлон Жовлиев
ўша қатағон қилинган ёшлар фожиаси
ҳақида «Қўрқма» номли роман эълон қил-
ганди.

Ушбу асар асосида яратилган «Тур-
кистон болалари» спектаклида жадид-
ларнинг кўмаги билан Бухородан Гер-
манияга ўқишга юборилган Абдувахоб

Муродий, Саттор Жаббор, Аҳмад Шук-
рий, Хайринисо Мажидхонова, Султон
Маткул, Марям Султонмуродова, Афзал
Абдусайд каби ёшларнинг 1922-1937 йил-
лардаги ҳаётига оид воқеалар акс этти-
рилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат
арбоби Олимжон Салимов бадиий раҳбар-
лик қилган янги сахна асари жиззахлик
томошабинлар томонидан катта қизиқиш
билан қарши олинди. Юнус Ражабий
номли вилоят мусиқа театрида намоиш
этилган спектаклни кўришга вилоятдаги
корхона ва муассасалардан томошабин-
лар жамоа бўлиб келишди.

Масалан, Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши
тармоқдаги ташкилот ва муассасаларда

Санъат

«ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИ» ЖИЗЗАХДА

фаолият кўрсатаётган 280 нафар педагог
ходим учун спектаклга чипталар харид
қилиб берди.

– Тўғриси, яқин вақтларда бундай қат-
тиқ таъсирланмаган эдим, – дейди шаҳар-
даги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси
Малика Хусанова. – Спектаклда ватани-
миз озодлиги учун курашган жадид бо-
лоларимизнинг саъй-ҳаракати билан хо-
рижда ўқиб келган ёшлар ҳаёти ҳақида
жонли хикоя қилинган. Бугун кўпчилик,
айниқса, ёшларимиз тарихни чуқур би-
лишмайди. Ўтган асрда юрт келажаги
учун ўқиган, курашган ёшлар ҳаётини
билиш учун мана шундай асарлар керак
эди. Спектакль ижодкорларига катта раҳ-
мат.

«Туркистон болалари» барча кўриши
керак бўлган сахна асари эканини шу
қуни кўллаб томошабинлар таъкидлашди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



Самарқанд
вилояти



УНУТИЛАЁТГАН МЕЪЁР

Долзарб мавзу

ЁХУД НОГИРОНЛАР УЧУН ЙЎЛАКЧА (ПАНДУС)ЛАР
ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Мамлакатимизда ногиронларни жамиятнинг муҳим бўғинига айлантириш, бу йўналишдаги тўсиқларни олиб ташлаш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Хўш, бу борадаги ишлар қай даражада? Биз имконияти чекланган шахсларга эҳсон қилиш, совға бериш, дастурхонлар ёзиш каби амаллар билан чекланиб қолмаймизми? Тўғри, бу ҳам керак. Аммо бу уларнинг муаммосига ечим бўла олармикан?

– Аслида давлатимиз томонидан хайрия моделидан ижтимоий моделга ўтиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Бу жамият олдига қўйилган ўта залворли вазифадир, – дейди меҳнат фахрийси Бахтиёр Тошев. – Афсуски, Самарқанддек азим шаҳар инфратузилмасида но-гиронлиги бор шахслар, катта ёшли инсонлар, ҳомиладор аёллар учун кенг имкони-ятлар яратилганми деган саволга жўяли жавоб топиш мушкул.

Нуронийнинг шу гапи туртки бўлди-ю, шаҳардаги бир қатор ижтимоий соҳа объектиларига назар ташлашга қарор қилдик. Энг серкаторноқ ҳисобланадиган Мирзо Улуғбек номидаги кўчадамиз. Бу ерда пиедалар ва автотранспорт воситалари ўртасидаги «тўқнашув»лар ҳам оз эмас. Ўтган йили бундай хо-латларга барҳам бериш мақсадида «Динамо» ўйингоҳи рўпарасида ерости пиедалар ўтиш йўлаги (туннель) барпо этилди. Мазкур иншоот бугун ҳу-вилаб ётибди. Негаки, бу йўлакдан ўтишнинг ўзига хос азоблари бор. Ер ости йўли мутлақ талабга жавоб бермайди. Гарчанд йўлаклар ёритил-ган бўлса-да, хозирданоқ таъмирталаб аҳволга тушган. Ёмғирли кунда йўлак чаккахонага айланади. Ногиронларга мўлжалланган пандус эса мутлақо яроқсиз, тиклиги 45 градусдан ҳам зиёд. Қорли кунларда, ёғин-гарчиликда бу йўлакка бош сукишнинг ўзи бир жасорат.

– Яқинда мана шу кўчада фожиали воқеага гувоҳ бўлдик, – дейди ҳу-дудда жойлашган меҳмонхона қоровули. – Ёш боласини аравачада олиб юр-ган аёл ва яна бир ёшроқ жувон туннелдан ўта олмади. Чунки ерости йўлаги ногиронлар аравачаси ёки қоляскадаги инсон учун умуман қулай эмас. Нати-жада улар кўчани кесиб ўтишга қарор қилишди. Гиж-гиж катнаётган машиналар ора-сидан аравача билан ўтиб олишни ўзингиз тасаввур қилаверинг. Афсуски, бир хайдовчи жу-вонни туртиб кетди...

Бу антиқа ерости йўли Самарқанд вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасининг шундоққина биқинди. Қолаверса, ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароит яратиш борасидаги масала ва муаммолар бу ташкилотга ҳам бегона эмас.

– Мазкур ерости йўлаги мутлақо талабларга жавоб бермайди, – дейди бошқарма-нинг давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Жонибек Азимов. – Шаҳарсозликда ноги-ронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда барча ижтимоий ин-фратузилма объектиларидан монеликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратилиши зарур. Аммо кейинги пайтларда бу меъёр янги қурилган объектларда унутилаёт-гани бор гап.

Самарқанддаги Қорасув массиви энг гавжум гўшалардан бири. Аҳолиси ўттиз минг нафарни ташкил этадиган бу манзилда фаолият олиб бораётган бирорта ижтимоий соҳа объекти ва савдо нуктасида ногиронлар учун йўлакча (пандус) лар барпо этилмаган. Борлари ҳам талабга жавоб бермайди.

– «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1991 йил) эски қо-нунда ҳам ҳар бир ижтимоий инфратузилма объекти қурилишида ногирон-лар жамияти билан келишиш белгилаб қўйилганди, – дейди Ўзбекистон ка-саба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат тех-ник инспектори Усмон Каримов. – Аммо йиллар давомида қурилган кўллаб иншоотларда бу талаб унутилган. Оқибатда айнаи масалалардаги камчилик-лар бугун бўй кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча аҳоли қат-ламлари қатори тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишлари юзасидан зарур чоралар кўрилди. Тиббий ва ижтимоий хизматлар янги босқичга кўтарилди. Аммо Самарқанднинг айрим жойларидаги «шароит» улар-нинг эркин ҳаракатланиши учун тўсиқ бўлмоқда.

Кўрамиз, кузатамиз, бу муаммоли масалаларга ечим топилармикан?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Хоразм
вилояти

СУВ ШУНЧАЛИК ХОР БЎЛДИМИ?

Оғриқ тишлар...

М а с а -
лан, Боғот
т у м а н и д а г и
Нурафшон шаҳар-
часида ободон-
лаштириш ишлари
бўйича қатор муаммолар
йиғилиб қолган. Буларни
ўнгламай туриб, ушбу ҳудудни
нурафшон дейишга тилинг бор-
майди.

Мана, қиш фасли ҳам ўтиб борапти,
аммо маҳалла кўчаларига чиқинди та-
шийдиган машина бир маротаба келган,
холос. Ўрнатилган тартиб-қоидаларга кўра,
1817 нафар аҳоли яшайдиган шаҳарчага ик-
кита «Тоза ҳудуд» машинаси ажратилиши ке-
рак.

Иложсиз қолган аҳоли маиший чиқиндиларни
кўча бўйларига, овлоқ жойларга ташлашапти.
Йиллаб-ойлаб йирилган чиқиндилар сасиб-чириб
ётади. Ёқиб юборилган чиқинди тутунни эса ҳавони
заҳарлайди, кишиларни бетоб қилади.

Аҳолининг бир қисми чиқиндиларни шахсий ер
майдонига кўмишни бошлади. Ер қаърида йиллаб
чиримайдиган маиший техника қолдиқлари, озиқ-
овқат чиқиндилари ўзидан таркатадиган зарarli
моддалар, ёқимсиз ҳидлар билан киши соғлиғига за-
рарлидир.

Тўрт йилдирки, шаҳарчанинг Эзгулик кўчасидаги
қаровсиз, эгасиз қолган уй олдида ичимлик суви қувири
ёрилиб, тоза ичимлик сув оқиб ётибди. Маҳалладош-
ларнинг тегишли ташкилотларга мурожаат қилишига
қарамасдан, мутасаддилар томонидан ҳолат тўғрилан-
май, сув уйлар тагигача йиғилиб қолиб, зах уйларнинг
пахсаларига кўтарилиб борапти. Бу ҳолат неча кишу ёз
давом этиб, мутасаддиларнинг эътиборсизлиги, санса-
лорлиги сабаб неча-неча куб метр сувнинг увол бўлишига
олиб келяпти.

Мамлакат ободлиги маҳаллалардан бошланади. Шун-
дай экан, маҳаллалар, кўчаларга эътиборли ва меҳрли
бўлайлик.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

Эълон

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидан рўйхатдан ўтган «ALI AKRAM TEX» масъулияти чекланган жамиятининг думалок мухри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:



ISSN 2020-6002
2007-yil
11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida 116-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUKTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 080-93-38
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:40

Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning shanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 087 ta

Shundan:

7431 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa

aksiyadordlik kompaniyasi

bosmaxonasi

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi,

41-uyda;

19 182 nusxasi

«Erudit» MChJ

bosmaxonasi –

Samarqand shahri,

Spitamen ko'chasi,

270-uyda;

8474 nusxasi

«Poligraf-Press»

MChJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri,

Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda

chop etildi.

Gazeta ofset usulida,

A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

Buyurtma G 311

1 2 3 4 5 6